311094

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# Туркистон

1994 йил 19 октябрь • Чоршанба • № 82 (14244) تركستان * TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

## ИСЛОМ КАРИМОВ ТУРКИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

18 октябрь куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Туркийтилли давлатлар раҳбарларининг Истанбулдаги учрашувида иштирок этиш учун Туркия Республикасига жўнаб кетди.

Республикамиз Президенти сафар олдидан журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, туркийтилли давлатлар раҳбарларининг учрашуви ушбу мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, маданий ва маърифий соҳалардаги ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамиятга эга эканини айтди.

— Мазкур давлатларнинг Анқарада бўлиб ўтган биринчи учрашувида кўпгина соҳаларда амалий ҳамкорлик қилиш тўғрисида муҳим ҳужжатлар қабул этилган эди, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Лекин уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ўзгаришларга тўла ҳозирги даврда бироз суст кечмоқда. Шу боис Истанбулдаги иккинчи учрашувда мавжуд муаммолар амалий ҳал этилади, унда қатнашаётган ҳар қайси мамлакат шу ҳамкорликдан фойда топади, қардош халқлар унинг самараларини ўз ҳаётларида ҳис этадилар, деган фикрдаман.

Ислом Каримовни республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

**(ЎзА).**



## БУЮК УЛУҒБЕК ВОРИСЛАРИМИЗ

15 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов беназир олим ва давлат арбоби, буюк бобокалонимиз Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик тантаналарида қатнашиш учун замин сайқали Самарқандга ташриф буюрди.

Муқаддас тупроқдаги тадбирлар улуғ мунажжим барпо этган расадхонани кўздан кечириш билан бошланди. Бобокалонимиз қутлуғ тўйи арафасида бу қадамжо янада обод қилинди ва таъмирланди. Ислом Каримов расадхона ва унинг қошида ташкил этилган музейга ташриф буюрди. Халқимиз донғини жаҳонга танитган Мирзо Улуғбек мактаби ҳақида ҳикоя қилувчи музей экспонатлари билан танишар экан, уни янада бойитиш хусусида қимматли таклифлар билдирди.

Президент Ислом Каримов расадхона ёнидаги Мирзо Улуғбек ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Албатта, миллатимиз фахри — Улуғбекнинг камолини буюк соҳибқирон Амир Темур яратган улкан маданий ва ижодий муҳитсиз тасаввур этиш мушкул. Президентимиз Ислом Каримов шу боис улуғ Амир Темур Кўрагон зиёратгоҳига йўл олди. Ўзбекистон Президенти ушбу муқаддас қадамжони зиёрат қилар экан, уни янада обод этиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Мирзо Улуғбек донишманд султон сифатида халқ учун фойдали бўлган кўп хайрли ишларнинг бошида турган. Унинг қутлуғ юбилейи тантаналари ҳам хайрли тадбирларга уланиб кетди. Президентимиз Ислом Каримов Самарқанд шаҳридаги "Ориён уни Трейдинг" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг "Супер Ориён" савдо дўкони очилишида иштирок этди. Германиянинг "Курт Шумахер" фирмаси вакили М. Дик ва "Ориён" ҳиссадорлик бирлашмаси раҳбари Ф. Зиёев билан суҳбатлашар экан, қўшма корхонанинг режалари, халқимиз фаровонлигини оширишга қўшадиган ҳиссаси билан қизиқди.

Шу куннинг асосий воқеалари Самарқанднинг бош майдони Регистонда содир бўлди. Аллома юбилейига бағишлаб байрамона тус олган бу қадим зиёратгоҳда вилоят ҳунармандлари яратган турли маҳсулотлар кўргазмаси уюштирилган эди. Ислом Каримов ушбу кўргазмани кўздан кечирди.



Шундан сўнг Регистон майдонида Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик таваллуди тантаналарининг якуний тадбири бўлиб ўтди. Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмонов байрам йиғинини очар экан, 20 мингдан зиёд самарқандликлар ва 20 дан ортиқ давлатдан ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар, жумладан, БМТ ва ЮНЕСКО вакиллари тантаналар гувоҳи бўлиб турганини қайд этди. Бу жаҳон маданияти хазинасини тафаккур ганжиналари билан бойитган улуғ олимга эҳтиром рамзи эканини таъкидлади.

Анжуманда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Мирзо Улуғбекнинг олим ва давлат арбоби сифатида амалга оширган ибратли ишлари, бой мероси хусусида сўзлади. Биз ўзбекистонликларгина эмас, Марказий Осиё минтақасида яшовчи қозоқлар, туркманлар, қирғизлар ва тожиклар ҳам бу буюк мероснинг ворислари эканини таъкидлади.

Кекса отахон Аҳрорқул Баратов аллома ҳақида, истиқлолга эришган Ўзбекистонда буюк боболаримиз меросига катта эътибор берилаётгани хусусида сўзлади. Халқ фаровонлиги, миллий анъаналаримизни тиклаш йўлида Президентимизга куч-қувват, саломатлик тилаб дуо қилди.

Қуёш уфққа бош қўйиб, самода юлдузлар балқий бошлаган лаҳзаларда Регистон майдонида Мирзо Улуғбекка бағишланган театрлаштирилган томошалар бошланди. Бу ўзига хос томошада Мирзо Улуғбек ҳаёти, унинг даври орқали халқимизнинг буюклиги, бағри кенглиги ва заковати намоён этилди. Бадиий жиҳатдан юксак савияда уюштирилган томошаларни минг-минглаб самарқандликлар, хорижлик олимлар, БМТ, ЮНЕСКО каби мўътабар ташкилотлар вакиллари қизиқиш билан томоша қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов театрлаштирилган томошалар якунлангач, янги таъмирдан чиққан Мирзо Улуғбек мадрасасини ҳамда бу ерда ташкил этилган кўргазмани бориб кўрди. Президентимиз ана шу ерда илк бор Самарқанд, Бухоро ва Хева шаҳарларини алоҳида рухсатсиз ташриф буюриш мумкин бўлган очиқ шаҳарларга айлантириш таклифини билдирди.

Сўнгра юбилей тантаналарида иштирок этаётган меҳмонлар учун қабул маросими уюштирилди.

Юбилей тантаналарида республика Бош вазири А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Олий Кенгаш Раиси ўринбосари Б. Бугров, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси У. Аширбеков, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимлари, тегишли вазирликлар раҳбарлари иштирок этдилар.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди.

**Амирқул КАРИМ,**
**(ЎзА).**

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МИРЗО УЛУҒБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 600 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Хонимлар ва жаноблар!

Муҳтарам дўстлар! Ватандошлар!

Бугун биз буюк аждодларимиздан бири, дунёга машҳур аллома Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш учун қадимий ва навқирон, гўзал шаҳри азим — Самарқандга йиғилдик.

Шу ҳаяжонли дақиқаларда инсоният тараққиёти тасдиқлаган бир ҳақиқатни яна бир бор эслатмоқчиман: тарихи бўлмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Неча асрлар, неча минг йилларни қамраб олган улуғ тарихимизнинг инсоният ривожида катта из қолдирган бир қисми Мирзо Улуғбек фаолиятида мужассам бўлган.

Бугун насл-насабамизни эслаш ва тиклаш замони келган бир даврда, келажагимизни қураётган бир вақтда катта ғурур ва ифтихор билан айтишимиз мумкин: **бизларнинг томирларимизда Улуғбек қони бор, юрагимизда Улуғбек руҳи барҳаётдир.**

Бугун бизнинг мамлакатимизни, бизнинг салоҳиятимизни тан олаётган давлатлар ва халқлар бир нарсани яхши англамоқда: Улуғбекдай муносиб фарзандлари бўлган миллат ҳар қайси замонда ва ҳар қандай шароитда ҳам янгидан-янги ғояларни яратишга ва ривожлантиришга қодир халқдир.

Бугун Улуғбекни эсламоқ асрлар тарихий адолатини ва буюк қадриятларимизни қайтадан тикламоқ, кўнгилларни ифтихорга тўлдирмоқдир. Ва бизнинг миллий-маънавий илдизларимизнинг нақадар теран ва нақадар бақувват эканлигини исботламоқдир.

Биз бошқаларни камситиш ниятидан йироқмиз. Аммо бугунги айрим салтанатлар аҳли қабила-қабила бўлиб яшаган замонларда бизнинг муборак заминимизда илму фан барқ уриб яшнагани, табиий илмлар, хусусан, тиббиёт, математика, астрономия каби фанлар мадрасаларда ўқитилгани, илмий академиялар ташкил этилиб, **мағрибу-машриққа** ном таратганини эсласак ва бундан ҳар қанча ғурурлансак арзийди.

Азиз дўстлар!

Мирзо Улуғбекдай беназир алломанинг ўрта асрлар шароитида намоён этган илмий жасорати бугунги кун олимларини ҳам ҳайратга солмасдан қўймайди.

Тақдир бу улуғ зотнинг зиммасига беҳад улкан ва машаққатли вазифалар юклади. Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган, салтанатнинг вориси бўлишдек мислсиз синов айнан унга насиб этди.

Чексиз ақл-идроки, азму қатъияти, одилона сиёсати билан Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳр диёрининг донишманд ҳукмдори бўлиб, халқларнинг азалий орзуси — тинчлик, тотувлик, ҳар томонлама тараққиётни қарор топтириш йўлида мислсиз шижоат ва матонат кўрсатди.

Мирзо Улуғбек, аввало, илмий фаразлар билан эмас, балки соф амалий услубда ижод қилди. Минглаб юлдузларни жамлаган мукаммал харита ва бугунги энг замонавий ҳисоблардан деярли фарқ этмайдиган мукаммал астрономик жадвалини яратди.

Унинг ҳаёти ва ижоди ўзбек халқи маънавияти пойдеворига қўйилган тамал тошларидан бири бўлиб, халқимизнинг ўрта асрларда фундаментал фанга нечоғлик буюк аҳамият берганини кўрсатади.

**"Зижи жадиди кўрагоний"** деб номланган Улуғбек астрономик жадвали ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниб, Европа олимлари орасида кенг тарқалгани бу фикримизнинг яққол исботидир.

Мирзо Улуғбек ўз умрини келажак учун, бугунги ҳаёт учун фидо этди. Ўша узоқ замонларда башарият тараққиётини ўйлаб яшади, ўз авлодлари асрлар оша тартиб этажак маърифатли бир жамиятни орзу қилди.

Ҳар қандай миллат ҳам Улуғбекдай фарзандни тарбия этгани учун ғурурланиши табиий ҳолдир. Чунки бундай инсонлар фақат ўз халқига эмас, балки умумбашарий цивилизация учун ҳам хизмат қилади ва жаҳоннинг эътиборини қозонади.

Муҳтарам дўстлар!

Биз бугун тафаккуримизда, ҳаётимиз ва тақдиримизда рўй бераётган улкан ўзгаришларни Улуғбек сингари аждодларимиз руҳига таяниб амалга оширмоқдамиз.

Буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга муносиб ўринни эгаллашда Ал-Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хожа Баҳоваддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг бебаҳо мероси ҳамиша бошимизни баланд, қаддимизни тик қилади, халқимизнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат, ишончига-ишонч қўшади.

Азиз юртдошлар!

Биз бугун узоқ давом этган ғафлат уйқусидан уйғондик. Тарихимизни, маданиятимизни, ўзлигимизни танидик ва тиклай бошладик.

Улуғбекнинг муборак қадами теккан заминда янги ва эркин жамият барпо этиш вазифаси сизу-бизга насиб этди.

Буюк давлат қуришни кўзлаб, порлоқ келажак учун, фарзандларимиз иқболи учун, авлодларга озод ва обод ватан қолдирмоқ учун яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Хонимлар ва жаноблар!

Азиз дўстлар!

Мирзо Улуғбекнинг умумбашарий қадриятларга қўшган ҳиссаси беқиёс бўлиб, у бугунги кунда ҳам ҳаётимизда улкан аҳамият касб этмоқда ва Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини ошириш йўлида катта хизмат қилмоқда.

Буюк аждодимиз Улуғбек номи берилган маънавият масканлари, маҳаллалар, кўчалар ва шаҳарлар жуда кўп. Юртимизда дунёга кўз очаётган ҳар ўн чақалоқнинг бирига эзгу ният билан Улуғбекнинг муборак исми берилялти деб айтсак, муболаға бўлмайди.

Буларнинг барчаси — миллатимизнинг буюк алломага бўлган чексиз ҳурмати ва эҳтиромидан дарак беради.

Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги дунёнинг кўплаб мамлакатларида нишонланаётгани биз учун ғоят қувончлидир. Биз бу воқеаларни дунё афкор оммасининг Мирзо Улуғбекка ва уни вояга етказган юртга, халққа ва унинг тарихига самимий ҳурмати деб биламиз.

Сўзимни якунлар эканман, узоқ-яқиндан келган сиз, азиз меҳмонларга ва шу қутлуғ анжуманнинг барча иштирокчиларига биз билан биргаликда Мирзо Улуғбек руҳини шод этганингиз учун **чин қалбимдан ташаккурлар билдирмоқчиман.**

Улуғбек кунларида дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган **азиз дўстларимизга алоҳида миннатдорлик сўзларини айтмоқчиман.**

Азиз дўстлар!

Мана шу кўпни кўрган, ҳаммамиз учун муқаддас майдонда туриб:

— Шу кунларга етказгани учун, юртимизнинг тинч ва осуда, озод ва обод бўлиб яшаётгани учун **тангримизга шукроналар айтамиз:**

— Шу заминнинг ва шу заминда яшаётган халқимизнинг умри ва бахту саодати боқий бўлсин!

— Юртимизни ёмон кўздан, бало-қазодан асрасин!

— Ер юзининг сайқали аталмиш **жаннатмонанд Самарқанд шуҳрати** бундан ҳам зиёда бўлсин!

— Мирзо Улуғбекнинг тафаккур юлдузи бундан буён ҳам бошимиз узра ёрқин порлаб тураверсин!

— Меҳнаткаш ва пок ниятли халқимиз мурод-мақсадига етсин!

## ТАЛАБАЛАР ПАХТАЗОРДА

Бугун ҳамма пахтакор. Ёшу-кекса барча деҳқонларимизга мадад бериш учун далага отланишган. Бу катта сафарбарликда талабаларнинг ўрни катта. Мана бир ойдирки Жиззах тиббиёт билим юрти талабалари Жиззах туманининг "Янги ҳаёт" жамоа хўжалиги пахта далаларида деҳқонларга мададкор бўлишмоқда. Кузнинг ҳар дамини ғанимат билган теримчи талабалардан Сайёра Алиқулова, Гулбаҳор Мамадиёрова, Юлдуз Зоҳидова, Ўлмасхон Алибекова каби бўлғуси ҳамширалар дугоналарига ўрнак бўлишмоқда. Уларнинг ҳар бири кунига 90-100 килограммдан пахта териб жамоа хирмонига муносиб ҳиссаларини қўшмоқда. Ҳозиргача ҳар бир талабанинг терган пахтаси 2-2,5 тоннадан ошиб кетди.

— Талабаларимизнинг шижоатли меҳнатдан сўнг, дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликлар етарли, — дейди 3 курс талабаси Кибора Усманова. — Кечалари турли маданий тадбирлар ўтказмоқдамиз. Энг асосийси ҳар бир кунимиз мазмунли кечмоқда.

**Умида ҚАЮМОВА**

## ХИРМОН САЛМОҒИ ОШАДИ

Тўрақўрғон туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигининг Одилжон Мамадалиев бошлиқ ёшлар бригадаси режани уддалашганига анча бўлди. 46 гектар ерга чигит қадаб, 133 тонна ҳосил кўтаришди. Йиғим-теримда Анвар Ғойипов, Солижон Ўринов, Ўғилжон Асрақулова, Муҳаммаджон Бердиқулов каби ёшлар фаоллик кўрсатишди. Улар хирмон салмоғини яна 40 тоннага ошириш ниятида заҳмат чекишаётир.

**Ғаффор РАСУЛ,**
**"Туркистон" мухбири.**

## 4 МИЛЛИОН ЙЎЛЛАРИДА



### ҲИММАТ

Паст Дарғом туманида ҳам йиллик режани уддалаган хўжаликлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Шу кунгача тумандаги 22 та хўжаликнинг 13 таси давлатга пахта топшириш режасини бажариб қўйишган. Салим Маллаев хўжалиги 650 тонна, Охунбобоев номли хўжалик 560 тонна, Дангалов номли хўжалик 800 тонна, "Зарафшон" хўжалиги 1000 тонна, "Дўстлик" жамоа хўжалиги 1700 тонна пахта етиштирган. Туман пахтакорларига Самарқанддаги озиқ-овқат, мактабгача тарбия, зооветеринария техникумлари ва Савдо олийгоҳи талабалари кўмакдош бўлишмоқда.

Ҳар куни туман хўжаликлари далаларида 70 та терим машинаси ишламоқда. Уларнинг ҳар бири билан кунига 3 тоннадан зиёд пахта терилмоқда.

Теримчилар ҳар кеч куни билан терилган пахтанинг килосига 50 тийиндан ҳақ олишмоқда. Бу эса янада самаралироқ пахта теришга ундаши табиий. Мусобақа илғорларига ҳатто даланинг ўзида қўйлар совға қилинмоқда.

**Гули ЧЕҲРА.**

## *Ёшлар Иттифоқида нима гап?*

### "КИМНИНГ БИЛИМИ ЗЎР?"

Ёшлар ташкилотларининг обрў-эътибори ошиб боряпти. Чунки, навқирон авлод вакиллари ўртасида турли тадбирлар, жумладан, кечалар, учрашувлар ҳамда конкурслар тез-тез уюштирилиб, уларнинг бўш вақти мазмунли ўтказилишида бу ташкилотларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

Термиз шаҳар Ёшлар Иттифоқининг биринчи котиби Муҳитдин Қодировнинг ташаббуси билан Сурхондарё "Ойнаи жаҳони"да "ЗЕҲН" баҳси ташкил этилганлиги бунга мисол бўла олади.

Шу номдаги қизиқарли беллашув ҳозиргача бир неча марта ўтказилди. Уларда ўнлаб ёшлар иштирок этдилар.

Яқинда шундай баҳс Термиз давлат Дорилфунуни ташкил этилганлигининг 40 йиллигига бағишланди. Унда университет талабалари қатнашдилар.

Беллашувда дорилфунуннинг педагогика факультети талабаси Қурбонниёз Панжиев ғолиб чиқди.

### ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

Сурхондарё вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Абдурасул Ибоҳимовнинг ва бошқа бир қатор жамоат ташкилотлари раҳбарларининг саъйи-ҳаракати билан "Камолот — 94" танлови ниҳоятда мазмунли ўтказилаётир. Шу пайтгача вилоятнинг турли шаҳар ва туманларидаги ёш истеъдодлар, ижодкорлар ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Айни пайтда вилоят марказида якунловчи танлов ўтказилди. Унда ғолибларга вилоят ёшлар иттифоқи, маданият ишлари бошқармаси ва бошқа айрим ташкилотларнинг, совғалари топширилди.

**Жавли ХУШБОҚОВ,**
**"Туркистон" мухбири.**

"ТУРКИСТОН" ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қадрли муштарийлар!

1995 йил учун "Туркистон" газетасига обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.

Бир ойга — 22 сўм

Уч ойга — 66 сўм

Олти ойга — 132 сўм

Йиллик обуна баҳоси — 264 сўм

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР, "Туркистон"га обуна бўлишни унутманг!

